

Шу оятни ўқиганимизда ғалаба қилар эдик



16:20 / 05.01.2023 4501

Муҳаммад ибн Иброҳим оталаридан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни бир сарийяга (ўзлари иштирок этмаган уруш) юбора туриб, тонгда ва кеч кирганида:

أَتَبَعَكُمْ أَنْتُمْ أَمْ نَأْتِيكُمْ

«Афаҳасибтум аннама холақнакум ъабасан» (Сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдикми?!) оятини ўқишни буюрдилар (Мўъминун сураси, 115-оят). Биз шу оятни ўқиганимизда, ғалаба қилиб, ғаниматларни қўлга киритар эдик».

Ибн Сунний ривоятлари.